

ФРИЛАНСЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Лутпидинов Шухратжон Зокиржонович
Наманган муҳандислик-технология институти
мустақил изланувчиси


<https://doi.org/10.5281/zenodo.7620090>

Ҳозирги кунда рақамли технологиялар инсонлар, машиналар ва техника, технологияларни тобора ўзаро боғлиқлик даражасининг ошиб бораётганлигини кузатишимиз мумкин. Рақамли иқтисодиёт шароитида ва ундан фойдаланишда меҳнат фаолиятининг шаффофлиги таъминланади, инновациялар ҳамда таълим маконидан фойдаланиш чегаралари кенгайиб боради ва шунга мувофиқ меҳнат ресурслари сифати яхшиланади, лекин шу билан бирга ходимнинг профили ҳамда унга қўйиладиган талаблар тубдан ўзгариб боради иш янада мураккаблашиб боради.

Рақамли муҳитда янги ваколатлар ва малака талаб этилади, бир жой ва вақт билан боғлиқ бўлмаган иш ўринлари яратилади. Инсон меҳнатининг пасайиши, айниқса, ўрта даражадаги малакага эга бўлганлар учун ташвиш туғдиради. Янги иқтисодиётда кераксиз сонли касблар пайдо бўлади ва бунда муҳандислик ва компьютер мутахассисликларининг аҳамияти жуда ортади.

Бошқа томондан, бу кўпроқ касблар ва иш жойларини йўқотиш ҳақида эмас, балки баъзи бир фаолият турларини йўқотиш ҳақида ёки арзон ҳамда кам талаб қилинадиган иш кучига бўлган талабнинг пасайиши замонавий иқтисодиётда кутилади.

Кўпинча, ишдаги ўзгаришлар йирик корхоналарда рўй беради. Ушбу тенденциялар, айниқса, ахборот-коммуникация, молия ва суғурта, автомобилсозлик, электротехника соҳаларида кучли бўлади. Рақамли муҳит соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларни ривожлантиришнинг бир қисмига айланмоқда. Фақатгина тарбия, уй-жой ва меҳмонхона бизнеси соҳаларида ўзгаришлар секинроқ рўй беради, чунки бунда шахсий муносабатлар ҳамда хизматлар кўпроқ қадрланади. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, рақамли муҳитда иш билан таъминлаш бир қатор таъсирларга эга бўлади (1-расм).



1-расм. Рақамли муҳитни иш билан таъминлашга таъсири[1]

Тез ўзгарувчан иш шароитлари ишчиларни технологик ўзгаришларга мослашишини ёки радикал ҳолатда одамларни робототехника билан алмаштиришни назарда тутди. Робототехника, тармоқ, контекстга сезгир алоқа, мобиль иловалар ва дастурлар иш функцияларини самарали бажариш ҳамда унумдорликни ошириш мақсадига хизмат қилади. Баъзи бир иш топшириқлари, хусусан, хизматлар кўрсатишда аутсорсингга топширилади, бу эса “талаб бўйича иқтисодиёт” деб номланувчи янги иш фаолиятининг ривожланишига олиб келади. Бундан ташқари, “мобиль” сифати иш билан боғлиқ равишда тобора кўпроқ қўлланилмоқда, у “атипик” деб белгиланган фаолият билан таққосланади. Албатта, одатий ва одатий бўлмаган ишларнинг чегараларини йўқ қилиш жараёни қуйидагича: бир томондан, интернетда бандлик тобора оммалашиб бормоқда иккинчи томондан, рақамли меҳнат бозорлари жадал ривожланмоқда, бундай бандлик оммавий иш бўлиб бунда, ишчилар ўртасида юқори рақобат ва меҳнат тақсимооти мавжуд.

Шунга ўхшаш ишбилармонлик моделлари аллақачон алоҳида корхоналар томонидан қабул қилиниб, ички ички муҳитни яратмоқда. Бошқа томондан, автоматлаштириш ва ахборотлаштириш корхонада ёки ташкилотдаги ишнинг моҳиятини, мазмуни ва қийматларини бир хил йўналишда ўзгартиради. Меҳнат ҳаётидаги барқарорлик билан бир қаторда мухторият ва эгилувчанлик каби фазилатлар муҳим аҳамият касб этмоқда (айниқса, ёш авлод ишчилари учун). Ишнинг ҳаракатчанлиги тобора ортиб бориши, уни офисдан ташқарида ҳам амалга оширилишини англатади.

Бу расмий буюртмалар (кўргазмалар, конференциялар) ижроси доирасида уйдан ишлаш (телефон орқали ишлаш), мижознинг биноларида ишлаш (ишнинг хизмат турлари), йўлда ишлаш бўлиши мумкин. Немис сўровларида шуни кўрсатадики, аллақачон 30% ходимлар доимий равишда офисдан ташқарида ишлайди, 12% ишчилар ва 4% ишчилар ҳафтада бир неча марта расмий иш вақтидан ташқари иш вазифаларини бажарадилар.

References:

1. Никуткина К.М, Привалова А.О. Западные количественные исследования фрилансеров: профессиональный обзор. Экономическая социология.
2. .С.Д.Бодрунов, Дж.К. Гелбрейт. Концепция нового индустриального общества: история и развитие. Учебно-методическое пособие. Екатеринбург.2018, 37 б
3. Тоффлер Э. Третья волна. М.1999 г
4. Ahmed Z (2017). Pakistan is ranked no.4.in the freelancing industry Report (July 24). Retrieved
5. Mamasoliyevich N. K. Current issues of formation of information culture in youth. – 2021.
6. Nodirbek Kodirov Mamasoliyevich. (2021). Current issues of formation of information culture in youth. <https://doi.org/10.5281/zenodo.5770626>